ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА БИРЛАМЧИ ЖИГАР САРАТОНИНИНГ ТАРҚАЛИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Юсупов Шахзод Эркин ўғли
Урганч Давлат тиббиёт институти
Клиник анатомия ва гистология кафедраси ассистенти

Охирги йилларда нафакат дунёда балки Ўзбекистонда хам жигарнинг ёмон сифатли ўсмалар билан касалланиш холатлари геометрик прогресс тарзда ўсиб бормокда. Улар орасида жигарнинг гепатоцеллюляр раки барча жигар ўсмаларининг 75 дан 90% гачасини ташкил қилади.

Олинган сунгги статистик маълумотларга кўра, жигарнинг гепатоцеллюляр раки жинслар тафовутида эркакларда барча ёмон сифатли ўсмалар орасида 5-ўринни эгаллайди, ҳамда барча ривожланган мамлакатларда у 8-ўринни, пастроқ ривожланган давлатларда эса 3-ўринни эгаллайди. Аёллар орасида жигарнинг гепатоцеллюляр раки мос равишда 8-, 16- ва 6-ўринларда қайд этилган.

Айрим текширувчи ва олимлар циррозни рак олди ҳолат деб ҳисоблайдилар, уларнинг фикрига кура, тугунли гиперплазия ҳар доим ракка айланади. Бу фикрнинг исботи сифатида жигардаги гепатоцеллюляр саратони касалликларининг тахминан 80%и жигар циррози асосан гепатитдан кейинги ёки алкоголли цирроз билан боғлиқ дея такидлайдилар. Бошқа муаллифларнинг кузатув маълумотларига кўра, ҳар йили жигар циррози билан касалланиш 2–5% гача ошиб бормоқда.

Олиб борилган текширувлар натижасига кўра, жигардаги метастазлар онкологик беморларда 20%дан 70%гача аниқланади. Жигар гепатоцеллюляр саратони ва В ҳамда С гепатит вируслари ўртасидаги патогенетик боғланишни ўрганишда маълум ютуқларга эришилган. Жигардаги гепатоцеллюляр саратони ва сурункали гепатит, жумладан гепатит вируслари билан боғлиқ бўлган ҳолатларда клиник-молекуляр ўзаро алоқалар аниқланган, бироқ ушбу механизмлар хали ҳануз тўлиқ кандай тартибда ва кай тарзда амалга оширилиши мавхумлигича колмокда.


Тадқиқот мақсади жигарнинг бирламчи раки ва ёмон сифатли ўсмалар метастазларининг Хоразм вилоятида тарқалиш хусусиятларини ўрганишдан иборат бўлди.

Тадқиқот учун Хоразм вилоятининг барча туман ва шаҳарлари бўйича 18 ёшдан 90 ёшгача бўлган аҳолида қайд этилган бирламчи жигар саратони ҳолатлари ёш гуруҳи ва жинси бўйича таҳлил қилинди.

Таҳлил натижалари шунака тенденцияни курсатмокда: Урганч тумани 15 та ҳолат (20.2%) билан БЖР ҳолатлари сони бўйича етакчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринларда Урганч шаҳри (12 та), Хонқа (8 та), Гурлан ва Хазорасп (7 тадан) туманлари келади. Энг кам ҳолатлар Боғот, Тупроққалъа, Қўшкўпир ва Янгиариқ туманларида кузатилди. Ёш гуруҳлари кесимида эса асосий юклама 45–74 ёш орасидаги гуруҳларга тўғри келмокда. Бу жигар ракининг яширин кечиши ва кеч аниқланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосан жигарнинг бирламчи саратони ҳолатлари юқори бўлган ҳудудлар аниқланишига имкон берди. Жигар саратонининг Хоразм вилояти худудлари бўйича тарқалиш холатининг тахлили шуни кўрсатдики, энг кўп учраш холати 45-74 ёшлалар орасида кузатилган.

Келтирилган статистик маълумотлар шуни ифодаламокда: Урганч туманидаги жами ҳолатлар сони энг юқори эканлиги тасдиқланади (15 та). Ундан кейинги ўринларда Урганч шаҳри(12), Хонқа(8), Гурлан ва Хазорасп(7) туман-лари турибди. Энг паст кўрсаткичлар эса Боғот, Қўшкўпир, Янгиариқ ва Тупроққалъа туманларида қайд этилган. Бу ҳудудларда экология ва инфраструктура муаммоларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Ёш гуруҳлари бўйича эса 45–59 ва 60–74 ёшдаги группаларда жигар ракининг тарқалиши кескин юқорилиги кузатилди. Бу эса ёш ўтиши билан хавф омиллари жамланиши ва хасталикнинг аниқланиш эҳтимоли юқорилиги билан изоҳланади.



Ушбу тадқиқот жигар ракининг эпидемиологиясини чуқур ўрганиш ва аҳолидаги тарқалиш тенденцияларини сабаблари, чораларини аниқлашга ёрдам берди. Маълумотлар асосида келгусида профилактик чора-тадбирлар, скрининг дастурлари ва аҳолининг хабардорлигини ошириш бўйича стратегиялар ишлаб чиқиш мумкин. Жигар раки тарқалиши кўплаб омиллар, жумладан, гепатит вируслари, заҳарли моддалар таъсири, озиқ-овқат хавфсизлиги ва ичимлик сувининг сифати билан боғлиқ. Шунингдек, тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва аниқлаш методларининг самарадорлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса килиб, Хоразм вилоятида бирламчи жигар ракининг тарқалиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, айрим туманларда юқори учраш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу ҳолат жойларда скрининг текширувларини кучайтириш, гепатитга қарши вакцинация ва аҳолининг санитар-маърифий билимини ошириш зарурлигини кўрсатади.